

Ўзбек хотин-кизлари орасидан етишиб чиккан талантили адиба Ойдин (Манзура Собирова) 1906-йили Тошкентда хунарманд оиласида тугилган. Ойдин 1919 йили Тошкент хотин-кизлар билим юртига ўқишга кирди. Уни 1923 йили тамомлаб, ўқитувчилик килади. Ёшлиқдан адабиётга хавас қўйган Ойдин кичик-кичик шеърлар билан матбуотда кўрина боради. Самарканд Педагогика академиясида ўқиб юрган пайтларда (1927—1933) Хамид Олимжон, Уйғунлар билан яқиндан танишуви Ойдин ижодида катта рол ўйнади. Унинг ўтмиш бидъатларини фотиба этиб, хотин-кизларни озодликка чакирувчи «Янгиликка кадам» номли биринчи пьесаси 1925 йилда босилиб чиккан.

Унинг «Тонг кўшиги» (1931) тўплами, «Майса узилди» (1931), «Машина кучогида» (1932), «Кўприк устида» (1933), «Бу кеча» (1933) каби поемалари, «Чечан йўллар» (1932), «Ойдин шеърлари» (1937) каби тўпламларига кирган асарлари ўзбек шўро поезияси тараккиётига маълум хисса бўлиб қўшилди.

Адиба 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб хикоячилик жанрида талай асарлар яратди. Ойдиннинг дастлабки «Еслаш ёки виговор» (1933) хикоясида озод меҳнатнинг янги инсонни тарбиялаб етиштиришдаги роли меҳнат жараёнида ўзбек хотин-кизлари онгида рўй берган ўзгаришлар ифодаланди. Унинг «Чакалокка чакмонча», «Ширин-шакар», «Уялди шекилли, ерга каради», «Садаганг бўлай, командир» хикояларида янги оила, севги-мухаббат, садокат мотивлари акс эттирилган. Аризанинг ўтмишга бағишланган «Ямокчи кўчди», «Хазил ўтмиш», «Гулсанам» (1938) асарларида ўзбек халқининг ҳаёти, эскилик урф-одатларига қарши кураши чуқур нафрат билан тасвирланган.

Ойдиннинг Улуг Ватан уруши ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида ижод этган «Кизлархон» (1943), «Мардлжк мангулик» (1947), «Хикоя ва очерклар» (1952), «Хикоялар» (1954) каби тўпламларида замона кишининг ватанпарварлиги, қахрамонлик фазитатлари, фронт ва мамлакат ичкарасидаги жонбозликка, тинч яшаш давридаги меҳнати ўз ифодасини топган.

Ойдин бу даврларда кучли очеркнавис сифатида ҳам танилади. Унинг М. Горкийга бағишланган «Хамон ёдимда ўшал улуг зот», «Чўллари обод, қўллари озод бўлган элда», «Ел қувончи», «Кора уйлар оқарди», «Муборак», «Катта кишилар», «Менинг қахрамоним», «Ватан учун жон фидо» каби очерклар туркумидаги Ватан мадҳи, меҳнати тўфайли бахтга эришган қолхозчи ва ишчи аёллар образи зўр маҳорат билан тасвирланган.

Ойдин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби, Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг масъул ходими (1946—1953), «Ўзбекистон хотин-кизлар» журналининг муҳаррири лавозимларида ишлади.

Ойдин ўзбек насрининг тараккиётига қўшган салмоқли хиссаси учун икки марта Хурмат белгиси ордени ва медаллар билан тақдирланган. У бор йўғи 52 йил умр кўрди, 1958 йилда вафот этди.